


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 13 сентябрь, № 177 (5344) Сешанба


*Президентимизнинг оқилона сиёсати, халқ осойишталиги ва юрт равнақи йўлидаги эзгу ташаббуслари туфайли Қорақалпоғистон замини ҳам юксалиш ва тараққиётга юз тутмоқда. Ҳududдаги ҳар бир овулу қишлоқ, маҳаллаю хонадонда кунда-кунора қувончли бир ҳодиса рўй бераётир. Кимдир уй қурган, яна кимдир тўй тараддудида, бошқа биров банкдан кредит олиб, янги бир корхона очган... Хуллас, одамлар эзгулик йўлида, фарзандлари камолини кўриш орзусида меҳнат қилмоқда, интилишу изланишдан толмаётир.*

# ЭЗГУЛИКНИНГ НУРАФШОН ЙЎЛИ








Шомурот ШАРАПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Республикамиз ҳудудига ичимлик суви, газ тармоқлари янгитдан олиб келиниб, темир йўллар, маҳобатли кўприклар бунёд этилаётгани, қимматбаҳо хом ашё захиралари очилганлиги, йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг самарали фаолият юритаётгани саноатимиз салоҳияти ўсиб, элимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашга хизмат қилаётир.

...Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уйлар қурилиб, аҳолининг кўркам ва қулай тураржойлар билан таъминланиши янги орзу-мақсадларга йўл очмоқда. Ўз уйинг — ўлан тўшагинг, деганларидек, мустақил рўзғори, тинч ва аҳил оиласи бағрида яшаб, эртанги кунга ишончи ортиб бораётганлар ҳавас қилса арзигулик ҳаёт қуришга, юртни янада обод этишга интилмоқда.

**Ифтихор**

Яқинда Амударё туманида ҳам умумий қиймати 3 миллиард 236 миллион сўмлик 60 та уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Кўркам шаҳарча қиёфасини олган бу сўлим қишлоқларга 9 километр узунликдаги ташқи муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялар тортилди.

— Янги уйга кўчиб ўтгач, ҳаётимизга янада файз-барака кирди, — дейди Ўрозбой ака Тожибоев қувониб. — Ўзимиз асли Бўзёл қишлоғиданмиз. Илгарилари бу ерларда яшаш тугул, яқин атрофидан ўтишга ҳам оғринардик. Бўш, қаровсиз ётгани учун бу жойларни "тақир қалъа" деб атардик. Бугун эса бу ўхшатиш асло мос келмайди. Тақир ерлар обод гўшага айланди. Ҳовли-жойларимиз шаҳар марказидаги замонавий уйлардан ҳеч қолишмайди. Дилимиз яйраб, ғайратимиз жўшиб, боғу роғ яратиб, экин-тикин, мол-ҳол қилиб, яхши яшашга, рўзғоримизни янада фаровон қилишга интилаяпмиз.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



*ҚАШҚАДАРЁ. Истиқлолимизнинг 20 йиллиги байрами шукуҳи кезиб юрган шу кунларда Китоб туманидаги Янги Чармгар массивида намунавий лойиҳалар асосида 20 та тураржой қуриб битказилди.*

### Кўркам уйлар эгаларига топширилди

"Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси буюртмаси асосида қурилган бу уй-жойлар қулай ҳамда шинамлиги билан хонадон соҳибларига маъқул бўлди. Айни пайтда бу ерда маданий-маиший бинолар ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам қад ростламоқда.

Таъкидлаш керакки, вилоятда йил охирига қадар яна 805 та замонавий тураржой бунёд этиш режалаштирилган. Бунинг учун 64,3 миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*НАМАНГАН. Чуст шаҳрида асакалик автомобилсозлар учун пластмассали бутловчи қисмларни тайёрлашга ихтисослаштирилган "Avtosanoatplast" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини йўлга қўйди.*

### Автомобилларимиз учун бутловчи қисмлар

Маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги мазкур лойиҳанинг биринчи босқичини амалга ошириш учун 932 минг АҚШ долларилик маблағ сарфланди. Ҳозир 50 нафар маҳаллий ёш меҳнат қилаётган корхонада йил охирига қадар "Spark" машиналари учун уч турдаги 8100 дона бутловчи қисм тайёрлаш режалаштирилган. Кейинги йилдан эса бу кўрсаткич тўрт ҳисса кўпаяди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*ФАРҒОНА. Қувасой шаҳридаги "Деҳқон бозори" ҳудудида шу пайтгача фойдаланилмай турган икки қаватли бино мукаммал таъмирдан чиқарилиб, замонавий савдо мажмуасига айлантирилди.*

### Савдо расталарида — миллий маҳсулотларимиз

Ушбу хайрли ишни амалга ошириш учун 1 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Ҳозир бу ерда "Файз", "Ўзметкомбинат", "Ўзузумвиносавдо" каби ўнлаб йирик компаниялар томонидан тайёрланган миллий маҳсулотлар савдога чиқарилмоқда.

Мажмуа шаҳар кўркига кўрк қўшганлиги билан ҳам диққатга сазовордир.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*БУХОРО. Шофиркон туманидаги "Наққош" қишлоғида "Шамширгарон эффект" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.*

### Сифати харидорга маъқул

Болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ушбу лойиҳани амалга оширишда банкнинг 300 миллион сўмлик кредитидан фойдаланилди. Пировардида қишлоқ ёшларининг 40 нафарга яқини доимий иш ўрнига эга бўлди. Сифати ва дизайни жиҳатидан хорижнинг шу турдаги маҳсулоти билан бемалол беллаша оладиган дастлабки 20 миллион сўмлик маҳсулот ички бозорга чиқарилди.

Айтиш керакки, туманда 2011 йилнинг ўтган даврида ҳудудий инвестиция дастури доирасида учта саноат корхонаси фойдаланишга топширилди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

Мамлакатимизга ташриф буюрган Озарбойжон Республикаси ички ишлар вазири Рамил Усубов раҳбарлигидаги делегация 12 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Баҳодир Матлюбов билан учрашди.

## ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб йўналишлар қатори хавфсизлик соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда терроризм, экстремизм ва одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди. Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

— Халқларимизни азалий дўстлик, ўхшаш маданият, урф-одатлар ва қадриятлар боғлаб туради, — деди Р. Усубов. — Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар икки томон учун ҳам манфаатли асосда ривожланиб бормоқда. Икки давлат раҳбарлари ташрифлари чоғида имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Шу куни Озарбойжон Республикаси ички ишлар вазири Р. Усубов Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашиджон Қодиров билан ҳам музокара ўтказди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасида фикр алмашилди.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ – ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА МАДАД

***Наманганда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сайёр қўшма мажлиси ўтказилди. Унда вилоятнинг қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга оид қонун ҳужжатлари ижро этилиши аҳволини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.***

**Парламент назорати**

Қўшма мажлисда қайд этиб ўтилганидек, бу борада вилоятда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, қишлоқ жойларда 12,2 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан қабул қилинган вилоят дастури доирасида йилнинг биринчи ярмида аниқ мақсадлар учун 47,2 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, жорий йилнинг олти ойида қишлоқларда 4628 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилган бўлиб, мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2460 тага ортган. Шу давр мобайнида тижорат банклари томонидан тизимга ажратилаётган кредитлар ҳажми 1,4 баравар кўпайиб, 104,6 миллиард сўмни ташкил этган. Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишлар сони 34 фоизга қисқаргани, айниқса, эътиборга молик.

(Давоми 2-бетда).

**КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар**

*Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси юртимиз ҳаётида янги тараққиёт босқичини бошлаб берди. Бу босқич янги демократик институтларни ҳаётга жорий этиш, уларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш учун муайян даврдир. Хусусан, Концепцияда ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий асосларини юксалтиришдек эзгу вазифалар ҳам белгиланган.*

## ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУҲИМ ИНСТИТУТИ

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида давлат билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ҳамкорликка катта эҳтиёж сезилмоқда. Муҳими, бундай ҳамкорликнинг янги ва замонавий шакллари, усуллари ҳамда кўринишлари пайдо бўлмоқда. Улардан бири — ижтимоий шериклик.

Ижтимоий шериклик ўзаро ҳамкорликнинг бир шакли бўлиб, бунда субъектлар ўзаро тенг муносабатга киришади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, улар ҳуқуқий жиҳатдан тенгдирлар. Маълумки, ижтимоий ҳамкорликда ўзаро муносабатга киришаётган томонлардан бири юқори ёки қуйи мақомга ёҳуд бир томон буюрувчи, иккинчи томон бўйсунувчи шаклида муносабатга кирişса, ижтимоий шерикликда ҳар икки томон ҳам бир хил мақомга эга бўлади.

Ҳозирги кунда ижтимоий шериклик субъектлари сифатида нафақат иш берувчи ва ходим, балки давлат билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларга, ижтимоий алоқаларга киришган давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари назарда тутилмоқда.

Албатта, газетхонда "Ижтимоий шериклик нима учун бу қадар долзарб мавзуга айланмоқда?" деган савол туғилиши, табиий.

Дарҳақиқат, бугунги кунда фуқаролик жамияти институтларининг жамиятдаги роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

## «Навоий» ЭИИЗнинг улкан имкониятлари

**янги корхоналар ҳисобига тобора кенгаймоқда**

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, хориж инвестициясига кенг йўл очиб бериш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар амалда ўз самарасини бермоқда. Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони асосида фойдаланишга топширилаётган замонавий корхоналарда ички ва ташқи бозорда рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилаётгани бунинг тасдиғидир. Бу, ўз навбатида, республикамизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилаётир. Айниқса, бу ерда хорижлик ҳамкорларга солиқ, божхона ва валюта бўйича бир қанча имтиёз ҳамда енгилликлар берилгани уларнинг мазкур ҳудудда иш бошлашини янада жадаллаштирмоқда.

**Ислоҳот**

Чиндан ҳам, бугунги кунда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, том маънода, иқтисодий ҳудудга айланди, десак, асло муболағa эмас. Бу ерда яратилган шарт-шароитлар кишида ҳайрат ва ҳавас уйғотади. Ҳозиргача хорижий инвесторлар иштирокида 8 та корхона ташкил этилган бўлиб, улар замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозланган. Жумладан, иккитасида ҳар хил ўлчамли ва диаметрли, турли мақсадлар учун мўлжалланган полиэтилен ҳамда полипропилен қувурлар ишлаб чиқарилаётган бўлса, учтасида "GM Uzbekistan" корхонаси автомобиллари учун симлар, компрессорлар, спидометр сингари бутловчи қисмлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Бошқа ишлаб чиқариш қувватларида эса рақамли телевизион сигналлар қабул қилиш ускуналари йиғилиб, маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Шу билан бирга, бу ерда замонавий технологиялар асосида бошқариладиган газ муҳитида мева ва сабзавотларни сақловчи махсус корхона ҳам мавжуд.

Жанубий Корея билан ҳамкорликдаги "Navoiy-Beauty Cosmeties" қўшма корхонасида лойиҳанинг биринчи босқичи доирасида "Estlle" савдо белгиси остида 18 турдаги косметика маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, унинг крем, кукунсимон ва мойсимон упаэликлари давлат стандартларига тўлиқ жавоб беради.

(Давоми 2-бетда).

## СОҒЛОМ ФАРЗАНД – ЮРТ ТАЯНЧИ

**Кеча мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қизамиқ ва қизилча хасталигига қарши эмлаш ҳафталиги бошланди.**

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФ ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда 1 дан 14 ёшгача бўлган саккиз миллион нафар бола эмланиши режалаштирилган.*

Маълумки, республикамизда қизамиқ ва қизилчага қарши оммавий эмлаш тадбирлари бундан тўрт йил аввал уюшқоқлик билан ўтказилган ва унда 1 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар эмланган эди. Айни пайтда ҳам мазкур юқумли хасталиклар бўйича келиб чиқиши мумкин бўлган эпидемик хавфнинг олдини олиш, болалар организмининг қизамиқ ва қизилча вирусига нисбатан иммунитет даражасини ошириш мақсадида навбатдаги эмлаш ҳафталиги ўтказилмоқда.

**Тадбир**

Қувонарлиси, эл саломатлигини асраш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган айнан шундай ибратли саъй-ҳаракатлар туфайли юртимизда сўнгги ўн йил ичида полиомиелит, қоқшол ва бўғма касалликлари умуман қайд этилмади. Вирусли гепатитнинг В тури, қизамиқ, қизилча, кўкйўтал, тепки каби юқумли хасталиклар эса кескин камайишига эришилди.

— Ўзбекистон ҳукумати томонидан юқумли хасталиклар келиб чиқишининг олдини олиш борасида намунали иш олиб борилмоқда, — дейди ЮНИСЕФ халқаро ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Жан Мишель Дельмот. — Шунинг гувоҳи бўлдикки, эмлаш чора-тадбирларига алоҳида масъулият билан ёндашув борасида одамлар аниқ тушунча ва тасаввурга эга бўлиши учун тиббиёт мутахассислари астойдил ҳаракат қилишмоқда. Мазкур тадбирларда маҳалла фаоллари, ўқув масканлари ва ота-оналар фаол иштирок этаётганликлари ҳам жуда қувонарлидир.

(Давоми 2-бетда).

# ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУҲИМ ИНСТИТУТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Улар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда, давлат дастурларининг ижросини таъминлашда жонбозлик кўрсатмоқда. Умуман олганда, ҳозирги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат ривожига, жамият тараққиётига самарали ҳисса қўшмоқдалар.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш орқали давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтаришга, жамият ҳаётида “учинчи сектор”нинг ролини янада юксалтиришга эришиш мумкин.

Ижтимоий шериклик орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари нодавлат нотижорат ташкилотлари ёки фуқаролик жамияти институтлари билан тенг ҳамкор сифатида майдонга чиқади. Бунда, айниқса, инсон манфаатларини таъминлашга устувор вазифа сифатида қаралади. Илгарилари бундай муносабатларда давлат нодавлат нотижорат ташкилотига ёрдам, кўмак берувчи субъект сифатида майдонга чиққан бўлса, ҳозирги кунга келиб нодавлат ташкилотлари давлат учун тенг ҳамкорга айланмоқда. Бу жамият ҳаётида нодавлат ташкилотларининг роли ва ўрни юксалиб бораётганлигидан далолатдир.

Шу боис ҳам Президентимиз Концепцияда “Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади”, деб таъкидлаб ўтган эди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари “Ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилиши даркор”, деб алоҳида қайд этган эди.

Мамлакатимиз қонунчилик тизимида ижтимоий шерикликка оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган бир қатор нормалар мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлари, Меҳнат кодекси каби 10 га яқин қонун ҳужжатлари давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган. “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир. Лекин давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги муносабатларнинг аниқ чегараларини акс эттирган, мазкур муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қиладиган ягона қонун қабул қилиш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январда қабул қилинган Фармойишига биноан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бир қатор жамоат ташкилотлари зиммасига ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда давлат ҳокимияти органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти тамойиллари, шакллари ва йўналишларини, ушбу фаолият иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган. Ҳозирги кунда бу борада қизғин иш олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, турли давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларида экспертлар томонидан таҳлил қилинмоқда.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳасида қонуннинг мақсади ва вазифалари, ижтимоий шерикликка оид тушунчалар, ижтимоий шерикликнинг асосий тамойиллари, бу борадаги давлат сиёсати, ижтимоий шериклик даражаси ва чегаралари, унинг молиявий асослари, бундай муносабатга киришувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижтимоий шериклик шакллари, ижтимоий шериклик бўйича комиссия каби масалалар қамраб олинган. Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамалар даврида мазмунан бойиб бормоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ушбу қонун лойиҳасини янада мукаммал даражага етказишда нодавлат нотижорат ташкилотлари салоҳиятидан янада кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки улар ўз фаолияти давомида давлат ва назорат органлари билан қандай иш олиб бориш, муносабатга киришиш борасида муайян тажрибага эга. Табиийки, мазкур соҳада ҳуқуқий ечимга муҳтож қандай масалалар мавжудлигини улар яхши биладилар.

Шунингдек, қонун нормаларида нафақат икки томонлама, балки уч томонлама шериклик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга эътибор қаратиш лозим. Бунда нафақат давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлиги, шунингдек, “бизнес сектори” билан алоқалар ҳам ўз ҳуқуқий ечимини топади. Ижтимоий шериклик тўғрисидаги келишувлар ва шартномалар томонларнинг келишувига биноан, икки томонлама ҳамда кўп томонлама бўлиши мумкин. Кўп томонлама келишувлар ижтимоий шерикликнинг исталган даражасида тузилиши мумкин.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ва уни ҳаётга татбиқ этишдан кўзланган асосий мақсад, фақат кичик меҳнат муносабатларининг шакли, усули ва чегараларини белгилаш эмас, балки нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг жамият ҳаётидаги мавқеини кўтариш, “учинчи сектор”нинг эркин фаолияти учун янги имконият ва шароитлар яратиш, уларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқарувчи субъект сифатидаги обрўсини ошириш ҳамда сиёсий майдондаги ўрни ва аҳамиятини юксалтириш бўлмоғи лозим.

Мухтасар қилиб айтганда, ижтимоий шерикликка оид ҳуқуқий асосларнинг такомиллашуви давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга ҳуқуқий замин яратиш баробарида, фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва ролини янада юксалтиришга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда амалга оширилаётган жамиятни модернизациялаш ҳамда мамлакат ҳаётини янада демократлаштириш билан боғлиқ ислоҳотлар муваффақиятини таъминлайди.

**Шуҳрат ЯКУБОВ,**
**Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги бўйича мустақил институт етакчи мутахассиси.**



# ЭЗГУЛИКНИНГ НУРАФШОН ЙЎЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, юртда тинчлик ва фаровонлик ҳукм сурса, дилдаги пок ниятлар бирин-кетин ижобат бўлаверади. Айнан шу боис Президентимиз халқ кўнглидаги орзу-мақсадлар рўёбга чиқиши, элимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш мақсадида ушбу шинам тураржойлар лойиҳасини синчиклаб кўздан кечириб, бош меъмор сифатида аниқ тавсиялар бердилар. Натижада қишлоқ уйлари хоналари кенг ва ёруғ, айвонлари баҳаво ва шинам, ҳовлилари кўркам тус ола бошлади.

Қорақалпоғистон аҳолиси бундай оқилона чора-тадбирлар самарасидан бениҳоя мамнун. Зеро, юрт тараққиёти жадал ривожланиб бормоқда, иқтисодиётимиз одимлаб, янгидан-янги қурилишлар, яратувчанлик ва бунёдкорлик ишлари изчиллик билан амалга оширилаётир. Бунга республиканинг қатор туманларида рўй бераётган янгиланишлар, хусусан, янги ишлаб чиқариш корхоналари қурилаётгани мисолида ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Айни пайтда Қораўзак туманида йилига 1 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган йирик завод қурилмоқда. Устюртдаги “Сургил” кони негизида эса умумий нархи 3,5 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган, йилига 4 миллиард кубометр газни қайта ишлайдиган газкимё мажмуаси қурилиши бошланиш арафасида турибди. Ушбу мажмуа ишга тушгач, беш мингдан зиёд киши иш ўринларига эга бўлади. Бундан ташқари, ҳозир “Нукус текстиль”, “Тўрткўл — Асака текстиль”, “Астера текстиль”, “Хўжайли текстиль” ва “Амударё текстиль” корхоналарида модернизациялаш ишлари олиб борилаяпти. Енгил саноат, озиқ-овқат, ёғ-мой, пахта тозалаш ва дон маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган кўплаб корхоналарда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бундай хайрли ишлар сирасига аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринларини яратиш билан боғлиқ тадбирлар ҳам киради. Бинобарин, жорий йилда аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига янада катта эътибор қаратилиб, 48 329 та иш ўрни яратилди. Ташкил этилган иш ўринларининг 75 фоизи кичик бизнес ва фермерлар улушига, 7800 иш ўрни эса касаначиликни йўлга қўйган тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Фахрлансак арзийдики, республикада таълим ва маданият соҳаси ривожига қаратилаётган юксак эътибор самараси ўларок, ёшларимиз жаҳон миқёсидаги улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Қорақалпоқ ёшлари барча замонавий қулайликлар билан таъминланган нуфузли олий ўқув юртларида, маданият, санъат, миллий ҳунармандчилик, банк-молия, тиббиёт ва педагогика йўналишларига ихтисослаштирилган коллежларда пухта билим олиб, малакали мутахассис бўлишга интилишаётир.

Барчанинг ёдида бор, Ўзбекистон давлат санъат институтининг Нукус филиали Ёшлар йилида фаолият бошлаган эди. Бугун ушбу даргоҳ миллий санъатимиз ва маданиятимизни ривожлантириш, хусусан, иқтидорли ёшларни камолга етказишга муносиб улуш қўшаётир. Санъатга ихлосманд йигит-қизлар бу ерда саҳна ва нутқ маданияти, актёрлик маҳорати, бадиий-ижодий услубни бойитиш, замонавий театр, кино, телевидение ва радио йўналишлари бўйича пухта билим эгалламоқда. Уларнинг миллий ва жаҳон мумтоз санъати намуналарини қунт билан ўрганиб, тадқиқ этиб, етук малакали мутахассис сифатида шаклланаётганликлари кишининг ҳавасини келтиради. Ахир келажак ворислари бўлмиш ёшларимизнинг бахту иқболи, эришган ва эришажак ютуқлари кимни ҳам қувонтирмайди, дейсиз...

Шу азиз Ватан — барчамизники! Бугун ҳар биримиз бу пурмаъно иборанинг туб мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаб етганимизни ҳис этмоқдамиз. Ҳар қайсимиз турли соҳада меҳнат қилсак-да, шу юрт равнақи, тараққиёти, ривожига, унинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшсак, деймиз. Кўнглимиздаги бу истак эса бизни эртанги оламшумул ютуқлар сари қатъият билан одимлашга ундамоқда. Шуниси ҳам аниқки, бу интилишларимиз ёш авлодга ибрат маъносида беқиёс аҳамиятга эгадир. Зеро, бағрикенг, меҳнатсевар, қалбию ниятлари пок элнинг фарзандлари баркамол, толеи ёруғ, иқболи баланд бўлмоғи, шубҳасиз.

**Гулистон МАТЁҚУБОВА,**
**Қорақалпоғистон халқ шоираси.**

# «Навоий» ЭИИЗнинг улкан имкониятлари

**янги корхоналар ҳисобига тобора кенгаймоқда**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Маҳсулотларимизнинг дастлабки қисми шаҳардаги савдо шохобчаларига чиқарилди, — дейди “Навоийазот” ОАЖнинг “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш бўлими бошлиғи Суннатулло Боқиев. — Ҳадемай, “LaCore” тамғаси билан янги маҳсулотлар тайёрлаш ва уларни, асосан, экспорт қилиш мўлжалланаяпти.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида “Навоий” ЭИИЗда 5 та янги ишлаб чиқариш корхонасининг тақдимоти бўлиб ўтди.

“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси ва Корея Республикасининг “Shinghwa Lighting” компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган “UZKOR Lighting” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона эса ҳозир истеъмолда бўлган чўғланма лампалар ўрнига энергияни тежовчи лампалар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Унда йилига 6 миллион дона маҳсулот тайёрланади, корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, бу кўрсаткич 13,7 миллион донага етказилади ва 45 киши иш билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг “Ўзпроммашимпекс” давлат-акциядорлик компанияси ҳамда Сингапурнинг “CFM Holding” компанияси ҳамкорлигидаги “CFM ProEnergies” очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги қўшма корхонасида тайёрланадиган светодиод лампалари ва ёритиш ускуналари энг замонавий электротехника маҳсулотларидан ҳисобланиб, нафақат мазкур ҳудудда, балки МДҲда илк бор ишга туширилмоқда. Бу ерда маиший светодиод лампалари, кўчани ёритиш чироқлари, светофорлар, прожекторлар ва светодиод реклама панеллари ишлаб чиқарилади. 5 миллион АҚШ долларилик ушбу лойиҳа ижроси туфайли 50 та иш ўрни яратилди, корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, уларнинг сони 150 нафарга етади.

Ҳозирги кунда рақамли телевидение учун қурилмалар (Set-Top Box) йиғиш билан шуғулланадиган “Телеком Инновейшнс” Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонаси негизида Хитой Халқ Республикасининг “ZTE” компанияси ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги иштирокида уч томонлама қўшма корхона ташкил этилгани ҳам айни муддао бўлди. Негаки, бу ҳамкорлик туфайли эндиликда “ADSL”, “DSLAM” сингари телекоммуникация модемлари ўзимизда ишлаб чиқарилади.

Хитойлик мутахассислар кўмагида барпо этилган “Navoi Human Pulp” қўшма корхонасида йилига 200 миллион донагача болалар таглиги ва яна шунча бошқа гигиеник воситалар ишлаб чиқарилади.

— 50 кишилик жамоамизда шу йилнинг охиригача 1,2 миллиард сўмлик асосий маҳсулот ва 600 миллион сўмлик турли гигиеник маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган, — дейди қўшма корхона бош директори Фахриддин Жўраев. — Улар “PannoLino” ва “Oriam Soft” савдо белгилари остида ички ва ташқи бозорга чиқарилади.

Маҳсулот ишлаб чиқара бошлаган корхоналардан яна бири “Ўзфармсаноат” давлат-акциядорлик компаниясининг “Hansang farm” масъулияти чекланган жамиятидир. Тайёр дори воситалари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бу лойиҳанинг умумий қиймати 2 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, ҳозирги пайтда корхонада 45 киши меҳнат қилмоқда.

Ҳудудда, шунингдек, Германия, АҚШ ва бошқа мамлакатлар ишбилармонлари билан ҳамкорликда бир нечта янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида жорий йил охиригача яна тўртта корхона фойдаланишга топширилади. Демак, ҳудуднинг салоҳияти юксалиб, имкониятлари бундан-да кенгаяди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Хушхабар

***Кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида 2 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.***

# Полвонларимиз муваффақияти

Осиё чемпионатида 66 килограммгача бўлган оғирликдаги полвонлар ўртасидаги баҳсларда ҳамюртимиз Арслонбек Маҳмудов Эрон, Афғонистон, Ироқ вакилларини енгиб, финалда яна бир ҳамюртимиз, кураш бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Олим Равшановни мағлубиятга учратди.

Вазни 73 килограммгача курашчилар беллашувида истеъдодли полвонимиз Давлат Абраев ҳам Эрон ва Ироқ полвонларини енгиб, қитъа чемпионатининг олтин медалига сазовор бўлди.

Чемпионатда, шунингдек, полвонларимиз Улуғбек Қўлдошев кумуш, Шуҳрат Арслонов, Элмурод Соатов ва Беҳзод Тўрабоев бронза медаль билан тақдирланди.

**Ф. АБИЛОВ.**

# СОҒЛОМ ФАРЗАНД – ЮРТ ТАЯНЧИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, республикамиз бўйлаб эмлаш тадбирларини юқори савияда ўтказиш мақсадида барча шароитлар яратилди. Хусусан, 8600 га яқин эмлаш бригадалари, деярли 7800 та эмлаш пунктлари ташкил этилиб, қарийб ўттиз минг нафар тиббиёт ходимлари махсус тайёргарликдан ўтказилди. Шунингдек, мамлакатимизга Ҳиндистоннинг “Серум” институтида ишлаб чиқарилган 8 миллион 800 минг доза вакцина ва шприцлар келтирилди.

— Юртимизга олиб келинган вакциналарнинг сифати ва хавфсизлиги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг махсус сертификати билан кафолатланган, — дейди пойтахтимиздаги 47-оилавий поликлиниканинг бош шифокори Ақида Содиқова. — Уни қабул қиладиган болалар махсус тиббий текширувдан ўтказилгачгина, вакцинацияда иштирок этадилар. Бола эмланганидан сўнг ҳам ярим соат мобайнида шифокор назоратида бўлиб, сўнг уйга қайтади. Унинг организмига ёт модда киргани боис тана ҳарорати бир оз кўтарилиши мумкин. Бундан чўчимаслик керак. Ушбу ҳолатда оилавий поликлиника шифокорига мурожаат қилиб, керакли тиббий маслаҳатларни олиш мақсадга мувофиқдир.

Эслатиб ўтамиз, эмлаш тадбирлари 18 сентябрга қадар давом этади.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**СУРАТДА:** Тошкентдаги 47-оилавий поликлиникада ўтказилаётган эмлаш тадбиридан лавҳа.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

# ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ – ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА МАДАД

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қишлоқ жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг вилоят экспорт салоҳиятига қўшаётган ҳиссаси тобора ортиб бормоқда. Соҳанинг бандлик дастури ижросидаги ўрни ҳам кенгаймоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 2009 — 2012 йилларда Наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш дастурига мувофиқ, саноат соҳасида 1089 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 4029 та корхона ташкил этилган бўлиб, уларда 47091 иш ўрни яратилди.

Шу билан бирга, мажлисда қайд этилганидек, кўриб чиқилган масала бўйича вилоятда бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Чунончи, Янгиқўрғон, Чортоқ ва Учқўрғон туманларида хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга олиш, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, солиқ тўловчиларга идентификация рақамларини бериш масалаларида қонунбузилиш ҳоллари аниқланди. Мингбулоқ, Поп, Тўрақўрғон туманларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотларини экспорт қилиш масалаларига ҳам етарлича ёрдам кўрсатилмаётир.

— Мамлакатимизда тадбиркорлик ривожи учун яратилган ҳуқуқий кафолат ва шарт-шароитлар мазкур соҳанинг қишлоқ жойларда жадал тараққий этишига ҳам мустаҳкам замин яратмоқда, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Насритдин Садритдинов. — Биргина бизнинг “Машад” қишлоқ фуқаролар йиғинини оладиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган ойларида кичик бизнес соҳасида 360 та иш ўрни ташкил этилди. “Микрокредитбанк” томонидан 150 нафар хотин-қизнинг ҳар бирига бир миллион сўмдан кредит ажратилиб, уларнинг касаначилик билан шуғулланишларига шароит яратилди.

Қўшма мажлисда сенаторлар ва депутатлар мавжуд камчилик ҳамда нуқсонларнинг сабабларини батафсил таҳлил қилдилар, вилоят қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қонун ҳужжатларининг самарали ижро этилишини таъминлашга қаратилган аниқ таклиф ва тавсияларни ўртага ташладилар. Муҳокама якунлари бўйича қўшма қарор қабул қилинди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2011 йил 13 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1807,27 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2760,37 |
| 1 Дания кронаси | 317,83 |
| 1 БАА дирҳами | 474,26 |
| 1 АҚШ доллари | 1741,78 |
| 1 Миср фунти | 291,15 |
| 1 Исландия кронаси | 14,78 |
| 1 Канада доллари | 1744,05 |
| 1 Хитой юани | 272,68 |
| 1 Малайзия ринггити | 576,18 |
| 1 Польша злотийси | 550,85 |
| 1 СДР | 2746,23 |
| 1 Туркия лираси | 969,27 |
| 1 Швейцария франки | 1963,23 |
| 1 евро | 2446,11 |
| 10 Жанубий Корея вони | 16,17 |
| 10 Япония иенаси | 224,77 |
| 1 Россия рубли | 58,66 |
| 1 Украина гривнаси | 218,47 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## Бозорнинг ҳафта давомидаги динамикаси

**ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг**




СУЮЛТ. ГАЗ 1999,2 ▲ + 20,8




ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 285,6 ▲ + 23,4




УН биринчи нав 527,1 ▲ + 17,8




ОМИХТА ЕМ 362,2 ▲ +11,6

# «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

## «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг танлов савдолари

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани ҳокимининг 2011 йил 10 августдаги 472-сонли қарорига асосан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Икки қаватли савдо мажмуаси биноси қуриш учун Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани маркази, Нефтчилар маҳалласи, 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 216 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 107 582 сўм.

**2.** Бир қаватли маҳалла гузари биноси қуриш учун Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани маркази, Нефтчилар маҳалласи, 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 1500 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 747 098 сўм.

**3.** Икки қаватли савдо дўконлари биноси қуриш учун Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани маркази, Нефтчилар маҳалласи, 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 312 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 155 396 сўм.

**4.** Икки қаватли қурилиш материаллари савдо дўкони биноси қуриш учун Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани маркази, Нефтчилар маҳалласи, 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 320 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 159 381 сўм.

**5.** Бир қаватли маиший хизмат, дорихона, савдо дўконлари биноси қуриш учун Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани маркази, Нефтчилар маҳалласи, 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 535 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 266 465 сўм.

**6.** Икки қаватли минимаркет ва савдо дўконлари биноси қуриш учун Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани маркази, Нефтчилар маҳалласи, 1-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 277 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 137 964 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Қумқўрғон тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби билан танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йил 30 августгача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2011 йил 14 октябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан, танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Қумқўрғон тумани ҳокимлиги биносида 2011 йил 17 октябрь куни соат 11.00 да очилади, 2011 йил 17 октябрь куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2011 йил 17 октябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2011 йил 24 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Такрорий танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2011 йил 21 октябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Қумқўрғон тумани ҳокимлиги биносида 2011 йил 24 октябрь куни соат 11.00 да очилади, 2011 йил 24 октябрь куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

**II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Сурхондарё вилояти, Термиз тумани ҳокимининг 2011 йил 22 августдаги 529 ҳамда 531-сонли қарорларига асосан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Бир қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш (битта сартарошхона, битта пойабзал таъмирлаш, битта тикув цехи, битта савдо дўкони) биноси қуриш учун Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, Наврўз маҳалласи ҳудудида жойлашган 4 дона, 400 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 165 200 сўм.

**2.** Бир қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш (2 та сартарошхона, битта пойабзал таъмирлаш, битта пайнет, битта савдо дўкони ва интернет кафе) биноси қуриш учун Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, Янги ҳаёт маҳалласи ҳудудида жойлашган 5 дона, 200 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 82 600 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Термиз тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби билан танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йил 1 сентябргача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2011 йил 17 октябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан, танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Термиз тумани ҳокимлиги биносида 2011 йил 18 октябрь куни соат 11.00 да очилади, 2011 йил 18 октябрь куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2011 йил 18 октябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2011 йил 25 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Такрорий танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2011 йил 24 октябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Термиз тумани ҳокимлиги биносида 2011 йил 25 октябрь куни соат 11.00 да очилади, 2011 йил 25 октябрь куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

**III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани ҳокимининг 2011 йил 15 августдаги 569-сонли қарорига асосан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Бир қаватли савдо дўкони биноси қуриш учун Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, Кунчиқиш маҳалласи ҳудудида жойлашган 1 дона, 50 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 20 685 сўм.

**2.** Бир қаватли савдо дўкони биноси қуриш учун Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, Кунчиқиш маҳалласи ҳудудида жойлашган 1 дона, 50 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 20 685 сўм.

**3.** Бир қаватли савдо дўкони биноси қуриш учун Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, Кунчиқиш маҳалласи ҳудудида жойлашган 1 дона, 50 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 20 685 сўм.

**4.** Бир қаватли савдо дўкони биноси қуриш учун Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, Кунчиқиш маҳалласи ҳудудида жойлашган 1 дона, 50 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 20 685 сўм.

**5.** Бир қаватли савдо дўкони биноси қуриш учун Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, Кунчиқиш маҳалласи ҳудудида жойлашган 1 дона, 50 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 20 685 сўм.

**6.** Бир қаватли савдо дўкони биноси қуриш учун Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, Кунчиқиш маҳалласи ҳудудида жойлашган 1 дона, 50 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 20 685 сўм.

**7.** Бир қаватли савдо дўкони биноси қуриш учун Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, Кунчиқиш маҳалласи ҳудудида жойлашган 1 дона, 50 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 20 685 сўм.

**8.** Бир қаватли савдо дўкони биноси қуриш учун Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, Кунчиқиш маҳалласи ҳудудида жойлашган 1 дона, 50 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 20 685 сўм.

**9.** Бир қаватли сартарошхона биноси қуриш учун Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, Кунчиқиш маҳалласи ҳудудида жойлашган 1 дона, 50 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 20 685 сўм.

**10.** Бир қаватли пойабзал таъмирлаш биноси қуриш учун Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, Кунчиқиш маҳалласи ҳудудида жойлашган 1 дона, 50 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 20 685 сўм.

**11.** Бир қаватли савдо дўкони биноси қуриш учун Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, Мустақиллик маҳалласи ҳудудида жойлашган 1 дона, 50 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 17 989 сўм.

**12.** Бир қаватли маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, Мустақиллик маҳалласи ҳудудида жойлашган 1 дона, 50 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 17 989 сўм.

**13.** Бир қаватли дорихона биноси қуриш учун Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, Мустақиллик маҳалласи ҳудудида жойлашган 1 дона, 50 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 17 989 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Қизириқ тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби билан танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йил 31 мартгача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2011 йил 18 октябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан, танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Қизириқ тумани ҳокимлиги биносида 2011 йил 19 октябрь куни соат 11.00 да очилади, 2011 йил 19 октябрь куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2011 йил 19 октябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2011 йил 26 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2011 йил 25 октябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Қизириқ тумани ҳокимлиги биносида 2011 йил 26 октябрь куни соат 11.00 да очилади, 2011 йил 26 октябрь куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

**Танлов ташкилотчиси** — «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.

Тел./факс: (8-376) 227-57-94, электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz **Лицензия № RR 0001.**

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртмаломани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: АТБ «Савдогарбанк» Музработ филиалининг Термиз шаҳар минибанки, ҳ/р: 20208000204920609017, МФО: 00336, СТИР: 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотларни олиш учун манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.

## «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг танлов савдолари

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Қашқадарё вилояти, Муборак тумани ҳокимининг 2011 йил 8 августдаги х-563/8-сонли қарорига асосан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Таъмирлаш устахонаси объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Муборак тумани маркази, Бобур маҳалласи, 4-«А» митти туман ҳудудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 72 кв.м., ер майдони 144 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 258 440 сўм.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: АТ «Ипотека-банк»и Навоий филиалидаги ҳисоб рақами: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Навоий шаҳри, П. Очилов кўчаси, 24-уй.

### «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг танлов савдолари

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани ҳокимининг 2011 йил 2 сентябрдаги 1084-сонли қарорига асосан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Бир қаватли маиший хизмат кўрсатиш пункти қуриш учун Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани, «Зарангари» ҚФЙ, 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона, 150 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 43 057 сўм.

**2.** Бир қаватли умумий овқатланиш пункти қуриш учун Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани, «Зарангари» ҚФЙ, 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона, 150 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 43 057 сўм.

**3.** Бир қаватли савдо дўкони қуриш учун Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани, «Зарангари» ҚФЙ, 1-зона ҳудудида жойлашган 2 дона, ҳар бири 50 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг ҳар бирининг минимал қиймати — 14 353 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Ғиждувон тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби билан танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 12 ой муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2011 йил 18 октябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан, танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Ғиждувон тумани ҳокимлиги биносида 2011 йил 19 октябрь куни соат 11.00 да очилади, 2011 йил 19 октябрь куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2011 йил 19 октябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2011 йил 26 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Такрорий танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2011 йил 25 октябрь соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Ғиждувон тумани ҳокимлиги биносида 2011 йил 26 октябрь куни соат 11.00 да очилади, 2011 йил 26 октябрь куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

**Танлов ташкилотчиси** — «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Давлат мулкини бошқариш Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биноси. Тел./факс: (8-365) 223-71-36, 223-71-30. Электрон почта: www.kmsavdo@inbox.uz. **Лицензия № RR 0001.**

Танловда қатнашиш истагидаги талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари олиш, тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: ОАТ «Турон» банки Бухоро филиалининг «Мустақиллик» минибанки х/р: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Давлат мулкини бошқариш Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биноси.

# ЖАҲОН 24 соат ичида

***АҚШ президенти мамлакат иқтисодиётини кучайтиришга қаратилган режасини тақдим этди, дейилади "Associated Press" ахборот агентлиги хабарида.***

## Янги режа ишлаб чиқилди

Мазкур ҳужжатга асосан, ишсизликка қарши кураш чора-тадбирлари учун 447 миллиард доллар сарфланиши кўзда тутилган. Бунда бандликни таъминлаш, даромад солиғини камайтириш каби масалалар қамраб олинган. Масалан, қарийб 35 миллиард доллар миқдоридаги маблағ таълим ва фавқулодда вазиятлар хизмати соҳасида иш ўринлари қисқартирилишининг олдини олишга йўналтирилади.



Шунингдек, дастурда давлатга қарашли мактабларни модернизация қилиш, янги автомобиль ва темир йўллар, кўприклар, аэропортлар қуриш ҳам назарда тутилган.

## Тўти эгасини топди

***Хитойда Африка тўтиқуши ўз ўғрисини фош этди.***



Гап шундаки, Ху Фэн исмли шахс камёб саналган ушбу парранда турини ўғирлаб, зоомагазин эгасига сотади. Пекинлик Ван Лу эса йўқолиб қолган қушини излай-излай айнан шу дўконга ташриф буюради. Буни қарангки, у ердаги тўти ўз соҳибини таниб, баланд овозда сайраб, безовта бўла бошлайди. Шундай қилиб, икки дўст топишади. Сотувчи бўлган воқеа ҳақида полицияга хабар беради. Тартиб посбонлари кўп ўтмай қинғир ишга қўл урган кишини аниқлашади.

Айтиш жоизки, Африка тўтиқуши дунё бўйича жуда ноёб тур ҳисобланади. Унинг биттаси 400 АҚШ доллари атрофида баҳоланади.

## Иқтисодий кўрсаткич ҳажми пасайди

***Япония ҳукумати мамлакатда иккинчи чоракда иқтисодиётнинг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,1 фоизга пасайганини маълум қилди.***

Бу ҳақда "NHK WORLD" телеканали хабар тарқатди. Ахборотда мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми билан боғлиқ бундай салбий ҳолат ҳамон давом этаётгани ҳам айтиб ўтилган.

## Коинот туҳфасими?

***"Nature" илмий журналида чоп этилган мақолада бир гуруҳ олимлар Ер юзидаги жамики олтин ва бошқа оғир металл элементларининг келиб чиқиши коинотга бориб тақалишини билдирганлар.***

Уларнинг фикрича, тарихда сайёрамизга астероидлар тушиши оқибатида бу каби қазилма бойликлар пайдо бўлган. Яъни қаттиқ тўқнашув натижасида само жисмлари ер қатламларига сингиб, бирикиб кетган.



***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# КЕЛАЖАКНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

**Мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда эришилган ютуқлар одамга чексиз қувонч бағишлайди. Хусусан, истиқлол йилларида Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолигида таълим тизимида ҳам беқиёс ўзгаришлар рўй берди. Бу янгиланишлар эса, ўз ўрнида, илму маърифатга интилувчан ёшларимиз учун кенг имкониятлар яратди.**

Шу йилнинг 20 майида эълон қилинган "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори эса олий таълим тизимида туб бурилиш ясаши, шубҳасиз.

Ушбу қарор биз ишлаётган даргоҳ — Самарқанд давлат университети жамоаси томонидан ҳам юксак мамнуният билан қабул қилинди. Чунки мазкур ҳужжатда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, модернизациялаш, таълим сифатини янги босқичга кўтаришга алоҳида урғу берилган. Шунингдек, қарорда ўқув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари, талабалар тураржойларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш каби йўналишлар ҳам қамраб олинган. Дарҳақиқат, буларнинг барчаси бири-бирига боғлиқ бўлиб, ўзаро уйғунлик касб этади.

### Ғурур

Шу ўринда қарорда кўзда тутилган яна бир эзгу мақсад — олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ҳақида ҳам тўхталсак. Юқори малакали ўқитувчиларни муносиб рағбатлантириш, педагогик маҳоратини янада оширишга ундаш, уларнинг ўқув жараёнини яхшилашга қўшган ҳиссасининг эътиборга олиниши ҳамкасбларимизни янада фаол ва ўз устида тинимсиз ишлашга ундаши аниқ. Зеро, ҳеч кимга сир эмаски, XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Шу боис мамлакатимизда илм эгаллашга, интеллектуал салоҳиятни оширишга ҳар қачонгидан юксак эътибор қаратилмоқда. Пировардида бугун Президентимиз раҳнамолигида мустақил Ўзбекистон таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар жаҳон андозалари даражасига етди.

Зотан, истиқлол деб аталмиш муборак неъматдан куч олиб, камол топаётган йигит-қизлар ёруғ келажагимиз эгаларидир. Уларнинг баркамол бўлиб улғаймоғи учун кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик эса ҳеч қачон беиз кетмайди.

**Луқмон ЖЎРАЕВ,**
**Исҳоқ НЕЪМАТОВ,**
**Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети ўқитувчилари.**

● Реклама ва эълонлар ●

# ЮКСАЛИШ САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАР

***Мустақиллик шарофати туфайли мамлакатимизнинг сўлим гўшаларидан бири — Ғаллаорол туманида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ижтимоий ва иқтисодий соҳалар жадал ривожланаётгани, қишлоқлар қиёфаси чирой очиб, аҳоли турмуши тобора фаровонлашаётгани ана шундан далолат беради.***

Айниқса, иқтисодиётнинг барча тармоқларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланаётгани қувонарлидир. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида 7,5 миллиард сўмлик саноат, 6,9 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари, 37 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бажарилган қурилиш-пудрат ишлари 12,6 миллиард сўмликдан, чакана савдо 31,8 миллиард сўмликдан, пуллик хизмат кўрсатиш 7 миллиард сўмликдан ошди. 5 миллион 369,1 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди.

— Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислоҳотлар инсон ва унинг манфаатига қаратилгани муҳим аҳамият касб этаяпти, — дейди туман ҳокимлиги иқтисодиёт бўлимининг бошлиғи Тўлқин Қўчқоров. — Ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаёти мисолида бунга гувоҳ бўлиб турибди. Энг олис қишлоқларда ҳам тадбиркорлик ривожланиб, саноат корхоналари барпо этилаётгани, аниқроғи, айни пайтда туманимизда 2216 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатаётгани фикримиз исботидир.

### Давлат дастури – амалда

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижроси бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқариш корхоналарининг кўпайишига, чекка ҳудудларда ҳам саноатнинг ривожланишига хизмат қилаётир. Масалан, жорий йилнинг олти ойи мобайнида 50 дан зиёд ишлаб чиқариш, 30 дан ортиқ маиший ва хизмат кўрсатиш корхоналари фойдаланишга топширилди. Бунда, табиийки, 4,5 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилгани ҳам қўл келди.

Лок-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Дидоса Паинт" хорижий корхонаси — шулардан бири. Бу ерда жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида 82,8 тонна маҳсулот тайёрланиб, унинг бир қисми экспортга чиқарилди. Яқинда туркманистонлик ишбилармонларга ҳам маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома имзолангани корхона фаолиятининг истиқболли эканлигини англатади, албатта.

Тумандаги яна бир янги корхона — "Кристалл Фуан индустри" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида эса замонавий технологиялар асосида пишиқ ғишт ишлаб чиқарилмоқда.

— Маълумки, қурилиш материалларига, хусусан, пишиқ ғиштга талаб кун сайин ортиб бораяпти, — дейди мазкур корхона ижрочи директори Ўткир Маликов. — Биз шуни ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш қувватини ошириш йўлларини излаяпмиз.

Бугунги кунда 60 кишилик жамоамиз томонидан бир кеча-кундузда 20-25 минг дона пишиқ ғишт тайёрлашга эришаяпмиз. Шу йил охирига қадар корхонани кенгайтиришимиз ҳисобига қўшимча 20 та иш ўрнини яратмоқчимиз.

### Кичик корхонанинг катта ишлари

Туманда шу йилнинг олти ойида ишга туширилган корхоналарнинг 16 таси кичик бизнес субъектлари бўлиб, шундан 5 таси озиқ-овқат, қолгани нозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Жумладан, "Маржон ҳамкор мадад" корхонаси йилига 300 минг дона нон ишлаб чиқариш қувватига эга бўлса, "Раҳима Лазиза"да 100 тонна арпа ёрмасини тайёрлаш имконияти мавжуд. Ёки бўлмаса, "Умид барака ривож" масъулияти чекланган жамиятини олиб кўрайлик. Мазкур корхона жамоаси йиллик талаб-эҳтиёждан келиб чиқиб, 300 минг донагача черепица ишлаб чиқара олади.

### Жараён

— Мамлакатимизда тадбиркорлар учун барча шарт-шароит яратилиб берилаётган экан, биз бундан оқилона фойдаланишимиз зарур, — дейди ушбу жамият раиси Астон Эгамбердиев. — Ўзимиздан қиёс. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун қўлимиз калталик қилаётган эди. Шунда "Асака" банкининг 500 миллион сўмлик молиявий мадади жонимизга оро кирди. Уни мақсадли ишлатиб, томёпкич материаллари тайёрлашни ўзлаштирдик. Ҳозир жамоамизда 60 киши меҳнат қилаяпти.

Янги ташкил этилган "Афросиёб синтез", "Ҳамкор мадад савдо", "Баҳора Жасмина" ва "Висол идеал барака" хусусий корхоналарида ҳам қурилиш материаллари ишлаб чиқарилаётгани аҳолини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш имконини бераётир.

### Хориж сармоясининг самараси

Туманда хориж инвестицияларини жалб этиш, чет эллик инвесторлар иштирокида мураккаб технологияли ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ишлаб чиқилган аниқ дастур асосида жорий йилда 2 миллион 379 минг АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар жалб этилиши режалаштирилган эди. Шунга мувофиқ, "Тозауруғ" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 300 бош қорамолни парваришлаш ва бир кеча-кундузда 2 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга чорвачилик комплексининг ишга туширилиши Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги байрамига муносиб туҳфа бўлди.

Таъкидлаш керакки, инвестициявий лойиҳалар ижросида фермерлар фаол иштирок этаётганлари таҳсинга лойиқ. Уларнинг ташаббуслари билан қишлоқ жойларда замонавий корхоналар барпо этилиб, дала ва боғ неъматлари шу ернинг ўзида қайта ишланаяпти. "Гулистон" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Қорача боғзор узум" фермер хўжалигининг фаолияти бунга мисол бўла олади. Бу ерда 300 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция ҳисобига мева ва сабзавотларни қуритадиган цех ва уларни сақлашга мўлжалланган омборхона қурилди.

"Молтоб" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги "Алибой Жуманов" фермер хўжалигида ҳам шундай корхона фойдаланишга топширилгач, туман бўйича 8 минг тонна мева ва сабзавотни қайта ишлаш, 3 минг тонна маҳсулотни сақлаш имконияти яратилади.

### Аҳоли бандлигини таъминлаш масъулияти

Рўёбга чиқарилаётган лойиҳалар нафақат ички бозорни ўзимизнинг маҳсулотлар билан тўлдириш, балки аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам хизмат қилаётир. Айтайлик, 2011 йил мобайнида саноат салоҳиятини ошириш бўйича белгиланган 99 та лойиҳа доирасида 489 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш орқали яна 73 та иш ўрни очилади. Бу — шунча аҳоли ўз даромад манбаига эга бўлади, дегани эмасми?

Эътиборлиси, айни пайтга қадар мазкур лойиҳалар бўйича 5 та асаларичилик, 9 та балиқчилик ва 5 та паррандачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиги, 6 та иссиқхона, 4 та сутни ва битта гўштни қайта ишлаш, шунингдек, кўплаб озиқ-овқат корхоналари ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, улар ўнлаб ёшларни ўз бағрига олди. Бундан ташқари, "Гулистон" фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Музбулоқ парранда агросервис" шўъба корхонасида мева-сабзавотни сақлайдиган совутқич фойдаланишга топширилгач эса, яна 15 нафар йигит-қиз ишли бўлиши кутилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, ғаллаоролликларнинг азму шижоати, ишбилармонлик қобилияти ва тадбиркорлик салоҳияти натижасида туман иқтисодиёти гуркураб ривожланиб, аҳоли турмуши даражаси тобора яхшиланиб бораётир.

**Абдурасул САТТОРОВ.**

UZTRANSGAZ
JOINT-STOCK COMPANY AKSIADORLIK KOMPANIYASI

**«ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ**

*Хурматли юртдошлар!*

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрига қадар республика табиий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.**

**Шу муносабат билан табиий газ бўйича қарздорликни хатловдан ўтказиш учун масъул бўлган ходимларга маҳалла фуқаролар йиғини билан келишилган ҳолда ўз вақтида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.**

754R/667

# АСОСИЙ МАҚСАД — МАМЛАКАТ РАВНАҚИ

***Мамлакатимизда истиқлол туфайли тадбиркорликни ривожлантириш орқали мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш, иш ўринлари яратиш борасида ҳам беқиёс имкониятлар юзага келди. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан ҳар бир йилга устувор вазифа берилиб, шунга монанд Давлат дастурлари қабул қилиниши юртимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда.***

Бинобарин, 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши мазкур йўналишда кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш имкониятини яратди. "Кредит-Стандарт" банки ҳам шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг бир қанча фармон ва қарорларида белгиланган вазифалар ижросига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Чунончи, 2011 йилда банкимиз томонидан кичик бизнес субъектларига турли мақсадлар учун жами 11 млрд. 540,7 млн. сўм кредит ажратилди. Ушбу кредитларнинг 13 фоизи банкнинг амалиёт бошқармасига, 69 фоизи Самарқанд вилояти, 16 фоизи Фарғона вилояти филиаллари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар, асосан, қуйидаги соҳаларга йўналтирилди. Саноатга 7 млрд. 300 млн. сўм, қишлоқ хўжалиги (балиқчиликни ривожлантириш)га 96 млн. сўм, транспорт ва алоқа хизматига 472 млн. сўм ҳамда бошқа тармоқларга 3 млрд. 672 млн. сўм маблағ берилди.

### Молия муассасаларида

Юртимизда тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис молия муассасамиз ҳам ушбу ташаббусдан четда қолаётгани йўқ. Масалан, кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларни таҳлил қилганимизда, хотин-қизларнинг тадбиркорлигини ривожлантиришга ажратилган кредитлар ҳажми 719 млн. сўмга етгани маълум бўлди.

Банкнинг юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадлардан ташқари, 2011 йил давомида ажратилган инвестициявий кредитлари жами 13 млрд. 147 млн. сўмни ташкил этди. Унинг 39 фоизи Тошкент шаҳри, 35 фоизи Самарқанд вилояти, 26 фоизи Фарғона вилояти ҳиссасига тўғри келди. Хусусан, мазкур кредитлар доирасида Тошкент шаҳрида тиббиёт ампулаларини ишлаб чиқарувчи корхона фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 4,6 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратилди. Ушбу лойиҳа амалга ошса, 100 та иш ўрни яратилади.

Жорий йилда, шунингдек, "Фарғона ёғ-мой" ОАЖ томонидан янги ишлаб чиқариш цехлари қуриш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳа доирасида 1,7 млрд. сўмлик кредит линияси очилди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан, "Кредит-Стандарт" банки жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жами 9 млрд. 586 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратди. Бу билан ўсимлик ёғи ва яхна ичимликлар ишлаб чиқариш тармоғини ривожлантиришга кўмаклашилмоқда. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори доирасида банк томонидан ушбу мақсадларга жами 10 млрд. 266 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Қисқача айтганда, банк эзгуликка йўғрилган хизматларини келгусида янада кенгайтириш тараддудида. Зеро, бунинг учун барча имкониятлар яратиб берилган. Мақсад, ушбу имконият ва имтиёзлардан унумли фойдаланиб, аҳоли фаровонлиги, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдир.

**Э. СОБИРОВ,**
**«Кредит-Стандарт» банкининг корпоратив кредитлаш ва лизинг бошқармаси бошлиғи.**

**"Кредит-Стандарт" банкининг "Ишонч телефонлари" рақамлари:**
**Тошкент (Амалиёт бошқармаси ва марказий офис) — (8 371) 140-12-70;**
**Тошкент шаҳар филиали — (8 371) 140-50-19;**
**Самарқанд филиали — (8 366) 233-81-67;**
**Фарғона филиали — (8 373) 224-69-02.**

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)



**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.**
**Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.**

**КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

**МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

1012R/227

*Муҳтарам газетхон! Газетамизнинг ушбу сонидаги қўшсаҳифа бепул илова қилинмоқда.*




САНОАТ МОЙИ И-20А 2824,8 ▲ + 221,8




МОТОР МОЙИ М14 В2 1418,3 ▼ -1164,9




БЕНЗИН АИ-80 2195,8 ▲ + 253,8




ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ 2639,5 ▼ -215,5

***Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш бошқармаси томонидан мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ўртасида турли оммавий-маданий ва спорт тадбирларини ўтказиш яхши анъанага айланган.***

# ЯШИЛ МАЙДОНДА – ДИПЛОМАТЛАР

Хусусан, 1999 йилдан буён ташкил этиб келинаётган минифутбол бўйича турнир бу борада алоҳида ўринга эга. Яшил майдонда иштирокчию томошабинларга бир олам завқ улашадиган мазкур бетакрор спорт байрамига бўлган қизиқиш йилдан-йилга ошиб бормоқда. Гап шундаки, дастлабки йили турнирда ўнта жамоа қатнашган эди. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган бу йилги мусобақаларда эса иштирокчилар сони қарийб ўттизтага етди.

**Турнир**

Айтиш жоизки, бўлиб ўтган турнирларда Миср Араб Республикаси, Россия, Украина, Эрон Ислом Республикаси билан бирга, мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлиги жамоалари ғолиблик нашидасини суришган.

2011 йилдаги спорт тадбири ҳам шиддаткорлик борасида олдингиларидан асло қолишмади. Унинг очилиш маросимида мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида халқлар ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, ушбу турнир бунинг яна бир тасдиғи экани таъкидланди.

— Юртингизда спорт, хусусан, футболни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда, — дейди Туркманистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси С. Пирмуҳамедов. — Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг Мексикада ўтган жаҳон чемпионатида қайд этган натижалари бунинг ёрқин исботидир. Миллионлар ўйинини севиб томоша қиладиган, унга ҳамиша эътибор билан қарайдиган мана шундай бетакрор заминда ўтказилган минифутбол бўйича бу йилги мусобақалар ҳам таассуротларга бой бўлди.

Турнирда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Қозоғистон элчихонаси вакиллари иккинчи ўрин соҳибига айланди, афғонистонлик дипломатлар эса учинчи ўринга сазовор бўлишди.



**С. МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Н. ҲАЙДАРОВ олган сурат.**

# МУСИҚАНИНГ СЕҲРЛИ ҚУДРАТИ

## инсон қалбига чуқур маънавий-руҳий озуқа бахш этиш, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда бетакрор восита ҳисобланади



***Мутахассисларнинг фикрича, мумтоз мусиқа асарларини тинглаган болалар тафаккури тез ривожланар экан. Қолаверса, мусиқанинг нафи тўғрисида тадқиқот ўтказган олимлар инсон ёшлик чоғида мумтоз мусиқани қанча кўп тингласа, кексайганида ҳам хотираси мустаҳкам бўлишини эътироф этишади.***

Дарҳақиқат, мумтоз мусиқа киши қалбида ажиб ҳис-туйғуларни уйғотади, ҳатто кўпгина оламшумул кашфиётлар ҳам айнан мусиқанинг мўъжизавий сеҳри таъсирида яратилгани ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шарқ донишмандларининг айтишларича, гўзал хулқлилик, яхшилик, бағрикенглик каби инсон маънавиятининг юксак фазилатлари бешикда ётган бола қалбида майин оҳангдаги она алласи орқали куртак отар экан.

Яккабоғ туманидаги 18-болалар мусиқа ва санъат мактабига борганимизда, ўқувчилардан бирининг фортепьянода машқ қилаётганига гувоҳ бўлдик. Қалбнинг нозик торларини чертадиган бундай ёқимли оҳангни оддий қишлоқ боласи, мактабнинг 7-синф ўқувчиси Жасур Шералиев ижро этаётган экан...

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ёш авлоднинг билим ва иқтидорини намоён қилиши учун кенг имкониятлар яратилди. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида тизимни ислоҳ қилиш, илм-фан, маданият ва санъат, маънавият ва маърифатни юксалтириш, ёшлар онгига истиқлол туйғусини сингдириш, илм масканларини замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу жумладан, мусиқа ва санъат мактабларини қайта реконструкция қилиш, уларнинг базасида махсус мослаштирилган янги ва замонавий бинолар барпо этиш сари дадил қадамлар ташланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бу соҳани ривожлантириш йўлидаги кенг кўламли амалий ишларни бошлаб берди.

Қарорга асосан, бугунги кунда болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида болалар мусиқа ва санъат мактабларини капитал реконструкция қилиш, намунавий лойиҳалар асосида мусиқа мактаблари қуриш давом эттирилмоқда.

**Қарор ва ижро**

> Ушбу дастурга мувофиқ, вилоятдаги бугунги кун талабига жавоб бермайдиган, эски биноларда фаолият кўрсатаётган 18 та санъат ва мусиқа мактабининг 3 таси ўрнида замонавий лойиҳалар асосида янги бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. 9 тасида капитал реконструкция ишлари олиб борилди. Мазкур муассасалар 470 миллион сўмлик ўқув жиҳозлари ва мусиқа асбоб-ускуналари билан таъминланди.

Тендер баҳоси 814 миллион сўм бўлган Яккабоғ болалар мусиқа ва санъат мактаби биносини лойиҳалашда мусиқа дарсларининг ўзига хос томонлари ҳисобга олиниб, шовқинни пасайтириш, эшиклар, ҳатто пардалар ва электр чироқларини ҳам шунга мослаб ўрнатиш алоҳида эътиборга олинган. Бу ерда махсус жиҳозланган қўшимча хоналар, рақс, тасвирий санъат ва оркестр синфлари бунёд этилди.

— Билим даргоҳимиз 1968 йилда қурилган бўлиб, 2003 йилда мусиқа ва санъат мактабига айлантирилган, — дейди мактаб директори Бекназар Шералиев. — Илгари синфхоналардаги иситиш тизимлари ишламас эди, мактаб биноси ва умуман, бу ердаги шароит бугунги кун талабига, таълим стандартларига жавоб бермасди. Реконструкция муносабати билан мактаб биноси бутунлай янгича қиёфа касб этди. 150 ўринга мўлжалланган икки қаватли қўшимча янги бино қурилди. Ҳозир мактабимизда 156 нафар ўқувчи турли йўналишлардаги 8 та гуруҳда таълим олмоқда.

Бугунги ёшларимиз ўзларининг санъат соҳасидаги ноёб қобилиятлари билан дунёга чиқмоқда. Улар изидан бораётган мактабнинг иқтидорли ўқувчилари ҳам "Янги авлод", "Санъат ғунчалари", "Болалик баҳори" каби республика танловларида иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқдалар. Мактабда фортепьяно, анъанавий хонандалик, театр санъати, тасвирий санъат йўналишларида, шунингдек, ўзбек халқ чолғу асбоблари йўналишида шашмақом: Тошкент — Фарғона, Хоразм мақомлари каби миллий санъатимиздан ўқувчиларга сабоқ берилмоқда.

Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида шундай таъкидлайди: "...Агар инсоннинг қулоғи енгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас". Албатта, миллий мумтоз мусиқаларимиз, қўшиқчилик ва рақс санъати бугунги ёшларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириш, жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам юртимизда инсонни эзгуликка чорлайдиган, келажак авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялашга хизмат қиладиган мусиқа асарлари яратиш, турли кўрик-танловлар ўтказиш орқали ижрочилик маҳорати билан кишиларнинг юрагига етиб борадиган иқтидорли ёшларни кашф этиш ва тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мусиқа санъати сўз билан ифода этиб бўлмайдиган фикрларни етказишдек сеҳрли қудратга эга. Бинобарин, ёшларимизни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, бу бебаҳо юртнинг муқаддаслигини, уни кўз қорачиғидек асраш кераклигини уларнинг онгига сингдиришда ҳам мусиқанинг аҳамияти беқиёсдир.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.**

# ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТ ВА МАДАНИЯТ

***Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикасининг Барқарор тараққиёт мақсадлари учун таълим концепциясини амалга ошириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бир қатор экологик йўналишдаги жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида уюштирилган анжуманда олимлар, экологлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**Анжуман**

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида юртимизда табиатни асраб-авайлаш, экологик мувозанатни сақлаш борасида кенг қамровли саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётганини таъкидладилар. Айниқса, Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида Барқарор тараққиёт мақсадлари учун таълим концепцияси ишлаб чиқилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки мазкур концепция доирасида ёшларнинг экологик маданияти ва саводхонлигини оширувчи турли тадбирлар, учрашувлар, экосаёҳатлар ташкил қилинаяпти, атроф-муҳит ҳимоясига доир илмий-оммабоп кўплаб тарғибот воситалари яратилмоқда.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа мутахассисларидан жавоб олдилар.

**О. ШАМСИЕВ.**

# ТОШКЕНТ КОРТЛАРИДА ЖАҲОН ТЕННИСИ МАЛИКАЛАРИ

***Шу кунларда пойтахтимиз яна бир йирик спорт мусобақасига мезбонлик қилмоқда. Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида аёллар теннис уюшмаси — WTA туркумига кирувчи "Tashkent open — 2011" халқаро турнири старт олди.***

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, бунинг учун жойларда зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётгани боис мазкур соҳада улкан марралар забт этилмоқда. Бугун қайси шаҳар ёки қишлоқ ҳудудига борманг, албатта, муҳташам спорт кошоналарига кўзингиз тушади. Қўлга киритилаётган ютуқларда теннисчиларимизнинг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Хусусан, Ирода Тўлаганова, Оқгул Омонмуродова, Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Мурод Иноятов сингари иқтидорли ракетка усталаримизнинг номлари бугун спорт оламида кўпчиликка яхши таниш. Қувонарлиси, ёш авлод вакиллари орасидан уларнинг муносиб издошлари ҳам етишиб чиқмоқда. Нигина Абдураимова, Сабина Шарипова, Влада Якшибарова каби умидли спортчиларимиз ҳақида шундай фикр билдириш мумкин. Бу, албатта, ушбу спорт турини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Маълумотларга кўра, 1994 йилда мамлакатимизда теннис билан шуғулланганлар сони 1700 нафарни ташкил этган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 18 минг нафардан ортиқ. Ракетка ихлосмандлари жаҳон андозаларига мос тарзда барпо этилган 790 та қумли, қаттиқ ва чим кортларда маҳоратларини оширишмоқда. 2008 йилнинг 29 апрелида Президентимизнинг "Республика олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат иқтидорли теннисчиларни тарбиялаш, уларнинг маҳоратини мунтазам ошириб бориш, пировардида халқаро турнирларда Ўзбекистон шанини муносиб ҳимоя қила оладиган терма жамоа захирасини шакллантиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

**Халқаро турнир**

...Хотин-қизлар ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу халқаро турнирга 1996 йилда асос солинган эди. У дастлабки уч йил мобайнида халқаро теннис федерацияси — ITF туркумидаги "Челленжер" мусобақалари сифатида ташкил этилди. 1999 йилдан бошлаб эса, "Tashkent open" номи билан WTA жадвалига киритилиб, муваффақиятли ўтказиб келинмоқда. Турнир нуфузи ҳам йилдан-йилга ошиб бораётир. Чунки унда ғолибликни қўлга киритган ракетка усталари кейинчалик бошқа йирик мусобақаларда ҳам юқори натижаларга эришишмоқда. Шу боис теннисчилар Тошкент кортларини омадга элтувчи парвоз майдони сифатида ҳам қадрлашади ва доимо унда қатнашишга интилишади. Жумладан, бир вақтлар ушбу турнир кашфиётлари бўлган чехиялик Николь Вайдисова, россиялик Елена Дементьева, Анастасия Мискина, Динара Сафина, Мария Кириленко, АҚШлик Меган Шонесси, италиялик Франческо Скьявоне сингари ракетка усталари ана шундай фикрдалар. Улар айни пайтга келиб аёллар теннисининг ҳақиқий юлдузларига айланишган.

— Ҳар гал Тошкентга келганимда бу ерда катта ўзгаришлар юз берганига гувоҳ бўламан, — дейди турнир супервайзери Мартина Луткова. — Шунга мос равишда "Tashkent open"нинг нуфузи WTA таснифига кирувчи мусобақалар орасида ҳам юксалиб бораётир. Бунга жорий йилги беллашувларда аввалари ғолибликка сазовор бўлиб улгурган франциялик Паулин Парментье (2007), руминиялик Сорана Кирстеа (2008) ҳамда россиялик Алла Кудрявцева (2010) каби номдор ракетка усталарининг яна ташриф буюргани ёрқин мисол бўлади.

Шу ўринда қайд этиш керакки, ушбу мусобақа мамлакатимизда теннисnúmнинг янада оммалашишига хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Негаки, ўз вақтида унда катта маҳорат тўплаб, тажриба орттирган ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова кейинчалик жаҳон теннис ихлосмандларининг эътиборини қозонганини яхши биласиз. Қатор халқаро турнирларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган ҳамюртимиз Пусан (Жанубий Корея)да ўтказилган Осиё ўйинларида, Австрия, Бельгия ҳамда юртимизда ташкил этилган йирик мусобақаларда, шунингдек, "Катта дубулға" туркумига кирувчи "Уимблдон" турнирининг ўсмирлар ўртасидаги беллашувларида ғолибликка сазовор бўлди. Бугунги кунда кўплаб халқаро турнирларда ишончли ғалабаларга эришаётган Оқгул Омонмуродова ҳақида ҳам ана шундай фикрларни айтиш мумкин.

Ташкилотчиларнинг маълум қилишича, "Tashkent open — 2011"нинг мукофот жамғармаси 220 минг АҚШ долларига тенг. Шунингдек, ғолибга мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган "Спарк" енгил автомобили ҳам совға қилинади. Яна бир эътиборли жиҳати, бу йилги турнирда иштирок этаётган спортчилар сони 200 нафардан ошиб кетди. Бу аввалги йиллардагига нисбатан анча кўпдир. Улар орасида WTA рейтингида юқори поғоналарни эгаллаб турган кўплаб таниқли номларни учратиш мумкин.

Шунингдек, совринли ўринлар учун мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Оқгул Омонмуродова, иқтидорли ёш теннисчиларимиз Сабина Шарипова ва Нигина Абдураимова ҳам кураш олиб боради.

Мусобақа давомида "Tashkent open"да 1999 йилда қатнашган ҳамда 2007 йилда фахрий меҳмон сифатида ташриф буюрган россиялик машҳур теннисчи Анастасия Мискина ва турнирнинг 2000 йилдаги ғолиби Ирода Тўлаганова иштирокида ёш теннисчилар учун маҳорат дарслари ҳам ташкил этилади.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


● Реклама ва эълонлар ●

ГРУППА ГАЗ

РАСМИЙ ДИЛЕР «SARDOR AVTO INVEST»ДАН
«ГАЗЕЛЬ БИЗНЕС»
АВТОМОБИЛЛАРИ


ГАЗ-32213 «Газель Бизнес»
Микроавтобус 15 ўриндиққача, люкс, ЕВРО-3.
Привод: 4х2, 4х4.
Янгилик!


ГАЗ-2705 «Газель Бизнес»
Яхлит металл қуймали фургон, 3, 7 ўриндиқли, люкс, ЕВРО-3.
Привод: 4х2, 4х4.
Янгилик!


ГАЗ-3302 «Газель Бизнес»
Тентли юк машинаси, 3, 6 ўриндиқли, люкс, ЕВРО-3.
Привод: 4х2, 4х4.
Янгилик!


ГАЗ-330200 «Газель Бизнес»
Саноат, озиқ-овқат моллари учун изотермик фургон, 3 ўриндиқли, люкс, ЕВРО-3.
Янгилик!

«ГАЗ» АВТОСАЛОНИ
Тошкент ш., Сергели тумани, Янгисергели кўчаси, 1-уй.
Тел./факс: (8-371) 215-09-11, 215-01-81.
Веб-сайт: WWW.SARDOR.AVTO.UZ
35R/1060 МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

«Potolok-stroy-servis» ХК
Шифт учун Армстронг стандарт гипс плиталари
600 х 600 мм,
610 х 610 мм.
Ассортимент — 22 турда.
36R/1238
Тел.: 325-37-77, 370-90-95.


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси ЎзР ФА Зоология институти директори вазифасини бажарувчи **Ибрагим КАЗАКОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

# АЖДОДЛАР МЕРОСИГА ЭЪТИБОР

***Андижонда "Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг "Тарихи Рашидий" асарининг жаҳон маданияти тарихидаги ўрни" мавзуида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.***

Истиқлол йилларида халқимизнинг бой маданий мероси, миллий қадриятларини тиклаш, жаҳон тараққиёти, илм-фан ривожига ҳисса қўшган буюк алломаларимиз қолдирган бебаҳо меросининг илмий-тарихий аҳамиятини дунё жамоатчилигига намойиш этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Юртимиз олимлари билан бир қаторда Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Япония, Қозоғистон, Қирғизистон ва Озарбойжондан келган олимлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари ҳамда адабиёт ихлосмандлари иштирок этган ушбу анжуман ҳам ана шу эзгу мақсад йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир.

Анжуман қатнашчилари Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг ҳаёти, ижоди, хусусан, ўндан ортиқ тилларга таржима қилинган "Тарихи Рашидий" асари, ушбу китобнинг дунё илми ва маданияти тарихида тутган ўрни ҳақида фикр юритдилар. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мазкур асар тарихий, географик, археологик, этнографик маълумотларга бойлиги билан ўзига хос аҳамиятга эга. Асар Марказий Осиёнинг ўша даврга оид ҳаётини ўрганишда ҳам муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

**Маънавият**

Тадбирда "Тарихи Рашидий"да Алишер Навоийга оид маълумотлар", "Тарихи Рашидий" таржималари ҳақида", "Бобур ва Ҳайдар Мирзонинг ўзаро муносабатлари", "Тарихи Рашидий" таржималари қиёси ва матн ҳақиқати", "Тарихи Рашидий"да комил инсон тарбияси масаласининг ёритилиши" сингари ўндан зиёд мавзулардаги маърузалар тингланди. Жумладан, академик Азиз Қаюмов, Япониянинг Киото университети фахрий профессори Эйжи Мано, Индира Ганди номидаги Ҳиндистон миллий санъатлар маркази вакили, профессор Мансура Ҳайдар, қозоғистонлик шарқшунос олим, профессор Ислом Жеманей, Боку давлат университети профессори Рамиз Аскернинг илмий маърузалари йиғилиш иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

**Зумрад АБДУЛЛАЕВА.**




КЎМИР (БПК) 37,9 ▲ + 2,1




ШИФЕР (1 лист) 15800 ▲ + 21




ПАХТА ЁҒИ 1690,3 ▲ + 11,8


Биржа нархлари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

БАРЧА ТОВАРЛАР ГУРУҲЛАРИ БЎЙИЧА КОТИРОВКАЛАР WWW.UZEX.COM САЙТИДА


Нархларнинг белгилари: ▲ + кўтарилган, ▼ - пасайган, сўм/кг

Тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун хафта давомидаги ўртача нархлар UZEX.COM ЎзРТХБ сайтида


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 52196 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5